

Ўзбекистон Президенти минтақавий ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган муҳим ташаббусларни илгари сурди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 май куни Сиань шаҳрида “Марказий Осиё - Хитой” биринчи саммитида иштирок этди.

Хитой Халқ Республикаси раҳбари Си Цзиньпин раислигида ўтган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид ҳамда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида саммит асрлар давомида бутун Евроосиёнинг цивилизациясида, ўзаро боғлиқлиги ва тараққиётида муҳим омил бўлган Буюк Ипак йўлининг бошланиш нуқтаси бўлиб хизмат қилган кўҳна Сиань шаҳрида ўтаётгани рамзий маънога эғалигини таъкидлади.

Ушбу учрашув мураккаб халқаро вазият шароитида алоҳида аҳамият касб этаётгани қайд этилди.

- Пандемия синовларини енгиб ўтган мамлакатларимиз глобал миқёсда ишонч инқирозининг салбий оқибатларига дуч келди.

Марказий Осиё учун муҳим бўлган одатдаги транспорт-логистика занжирларида жиддий узилишлар, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги учун таҳдидлар, инфляция импорти ўсиб бораётгани ортидан ижтимоий кескинлик хатарлари ва бошқа муаммолар биздан янада яқин

мувофиқлашув ва амалий ҳамкорликни талаб қилмоқда, - деди давлатимиз раҳбари.

Бугун Марказий Осиё мулоқот ва кенг кўламли ҳамкорлик учун очик, ҳамжиҳат ва кучли минтақа экани мамнуният билан қайд этилди.

Саъй-ҳаракатларни янада мувофиқлаштириш ва амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Президенти савдо, инвестиция, транспорт ва гуманитар соҳалардаги минтақавий шерикликни узоқ муддатли кун тартиби, истиқболли режа ва вазифалар асосида ривожлантириш бўйича қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Стратегик ёндашувлар, комплекс тавсия ва ечимларни, минтақавий ва глобал миқёсда туб ўзгариш ясайдиган лойиҳаларни ишлаб чиқиш мақсадида олти мамлакатнинг етакчи “ақл” марказлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди. Буни муҳокама қилиш учун майдон сифатида келгуси йилда Самарқандда Миллий ривожланиш стратегияларини ўзаро боғлаш масалалари бўйича халқаро экспертлар конференциясини ўтказиш таклиф қилинди.

Президентимиз минтақа мамлакатларининг барқарор ривожини учун зарур шароитларни шакллантириш, бунда асосий эътиборни камбағалликка қарши самарали курашишга қаратиш масалаларига алоҳида тўхталди.

- Худудларда, энг аввало қишлоқ жойларда турмуш даражасини ошириш ва уларни ривожлантириш бўйича аниқ вазифалардан иборат қўшма дастурни қабул қилсак ва амалга оширсак, бу халқларимиз томонидан қўллаб-қувватланиши ва 2030 йилга қадар кун тартиби мақсадларига эришишга умумий ҳиссамиз бўлишига ишонаман, - деди Ўзбекистон етакчиси.

Давлатимиз раҳбари Янги иқтисодий мулоқотни шакллантириш ва ўзаро боғлиқликни кучайтириш, 2030 йилга бориб минтақа мамлакатларининг Хитой билан товар айирбошлаш ҳажмини икки баравар ошириш ташаббусини илгари сурди.

Ушбу вазифани саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни мутаносиб ошириб бориш, самарали савдо-логистика инфратузилмаси ва замонавий улгуржи-тақсимот тармоқлари, “яшил” ва экспресс йўлақлар, электрон тижорат учун умумий платформаларни йўлга қўйиш орқали рўёбга чиқариш таклиф қилинди.

Қулай шароитлар ва зарур ҳуқуқий асосларни шакллантириш учун Ўзаро савдога кўмаклашиш ва инвестицияларни рағбатлантириш тўғрисида кўп томонлама битимни қабул қилиш имкониятини кўриб чиқиш таклифи билдирилди.

Президентимиз иштирокчилар эътиборини саноат кооперациясини кенгайтириш, рақамли технологияларни жалб қилиш ва инновацияларни жорий этиш масалалари Хитой музофотлари билан тўғридан-тўғри худудлараро алоқалар орқали самарали ҳал этилиши мумкинлигига қаратди.

Шундай амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, биродарлик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилда Ўзбекистонда олти мамлакат шаҳар ва худудларининг форуми ва кўргазмасини ўтказиш таклиф қилинди.

- Хитойни минтақамиз билан боғлайдиган, Европа, Яқин Шарқ ва Африкага олиб чиқадиган хавфсиз ва энг қисқа транспорт йўлақларини ривожлантириш стратегик аҳамиятга эга. Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Транс-Евроосиё магистралли лойиҳаси устувор аҳамиятга эга бўлиб, “Хитой – Қирғизистон - Ўзбекистон” автомобиль ва темир йўллари эса унинг муҳим таркибий қисми бўлади, - деди Президент.

Транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича миллий дастурларни ўзаро боғлаш ва шу асосда узоқ муддатли ягона стратегияни ишлаб чиқиш биринчи галдаги вазифа экани кўрсатиб ўтилди.

Иқлим кун тартиби ва “яшил” энергетика масалалари бўйича ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

- Афсуски, Марказий Осиёда энергетик инфратузилманинг ривожланиш суръатлари саноатлашув ва урбанизация шиддатидан, демографик ўсишдан ортда қолмоқда. Бугун бу мамлакатларимизнинг узок муддатли барқарор тараққиёти учун жуда жиддий хавф туғдиради, - деди Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев.

Хитой қуёш, шамол ва сув энергетикасида технологик жиҳатдан етакчи эканини ҳамда мавжуд молиявий воситаларни ҳисобга олиб, муқобил энергетика соҳасида янада яқин илмий-амалий шерикликни йўлга қўйиш таклифи илгари сурилди.

Бундан ташқари, Оролбўйининг экологик муаммоларини ҳал этиш, биохилма-хилликни ҳимоя қилиш, музликлар ва тупроқни асраш, сув тежовчи технологияларни жорий қилишда самарали ҳамкорлик муҳимлиги айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Президенти Хитойнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомидаги хавфсизлик бўлинмаслиги ва тинч тараққиёт принципларига асосланган глобал ташаббусини қўллаб-қувватлаб, барқарорлик ва хавфсизлик масалалари бўйича минтақамиздаги мулоқот даражасини юқори баҳолади.

- Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги Мулоқот гуруҳи ва Афғонистонга қўшни мамлакатларнинг мулоқотидан ўзаро келишилган позицияни ишлаб чиқиш ва ушбу мамлакатда гуманитар ҳалокатга йўл қўймаслик чоралари кўриш учун тўлиқ фойдаланиш муҳим, деб ҳисоблаймиз, - деди Ўзбекистон етакчиси.

Гуманитар алмашинувлар, кўргазмалар, концерт ва ижодий сафарлар, қўшма спорт тадбирларини мунтазам ўтказишни давом эттириш, уларга ёшларни кенг жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди. Шу муносабат билан келгуси йилда Ёш истеъдодлар форумини биргаликда ўтказиш таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари нутқини якунлар экан, мамлакатларимиз стратегик шерик ва ишончли дўстлар эканини қайд этди.

- Халқаро муносабатларда зиддиятлар ва ноаниқликлар кучайиб бораётган бугунги шароитда биз бир-биримизни қўллаб-қувватлаяпмиз ва халқларимиз учун фаровон келажак барпо этаяпмиз, - деди Президент.

Шу маънода Хитой томонининг Марказий Осиё давлатлари ва Хитой ўртасидаги дўстлик ва шерикликни мустаҳкамлаш учун бундай учрашувларни мунтазам ўтказиб бориш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Бугунги саммитнинг самарали натижалари яхши қўшничилик муносабатлари ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига, мамлакатларимиз ва халқларимиз равақига хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Йиғилиш якунида давлат раҳбарлари “Марказий Осиё – Хитой” саммитининг Сиань декларациясини имзоладилар ва қўшма матбуот анжуманини ўтказдилар.

Саммит тадбирлари якунлангач, мамлакатларимизнинг дўстлиги, яхши қўшничилиги, тараққиёт ва равақ сари муштарак интилишлари рамзи сифатида биргаликда дарахт экиш маросими бўлиб ўтди.





Манба